

**Ўзбекистон Республикаси Соғиқни сақлаш вазирлиги**

**5111000- Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)  
бакалавриат таълим йўналишининг  
малака талаблари**

**Тошкент-2020**

## **СУЗ БОШИ**

### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари

### **КИРИТИЛГАН:**

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш маркази

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари Ректорлар раёсати

### **ТАСДИҚЛАНГАН:**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим тизими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгаш

### **АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 20<sup>20</sup> йил  
«08» 09 даги 136 - сонли буйруғи

### **ЖОРӢӢ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишлидир

## МУНДАРИЖА

	бет
<b>Т/р</b>	
1. <b>5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)</b> бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
.....	
1.1. Кўлланиш соҳаси .....	4
1.2. <b>5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
.....	
2. <b>5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	7
.....	
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	7
2.2. <b>5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ва эга бўлиши лозим компетенциялар	7
.....	
3. <b>5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)</b> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модул дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	9
.....	
3.1. Ўқув режа модул блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
.....	
3.2. <b>5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)</b> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ва кредитлар	сони 15
.....	

## **1. 5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

**5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўкув режа ва модул дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) хамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўкув режа ва модул дастурининг муддати ва мос малака(даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ўкув режа ва модул дастурининг муддати ва битиruvchilarning малака(даражаси)**

<b>Ўкув режа ва модул дастурининг номи</b>	<b>Малака (даражаси)</b>	<b>Ўкув режа ва модул дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати</b>
Бакалавриатнинг ўкув режа ва модул дастури	Бакалавр	6 йил

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Тиббиёт ва фармацевтика олий таълимининг ушбу малака талаби **5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва модул дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўкув режа ва модул дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва модул дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўкув режа ва модул дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкувтарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

– ўз ваколат доирасида битиruvchilarning тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битiruvchilarning тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– тиббиёт ва фармацевтика олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлганabituriyentlar ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. 5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)** – бакалавриат таълим

OF EKTON RESPUBLIKASI

SOCGLIGI SAQLASH VAZIRLIGINING

TIBBIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH

**MARкази**

йўналиши – фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларига тегишли йўналиш бўлиб, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, тиббий нуфузини ошириш, ўткир ва сурункали касалликларнинг келиб чикиши ва тарқалишини олдини олиш, юқумли касалликларни олдини олиш доирасида эпидемия ва пандемияга қарши чора - тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича комплекс масалаларни ечишни ҳамда тиббиёт соҳасида таълим-тарбия жараёнида фаолият юритишни ўз ичига олади.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

#### **1.2.2. 5111000 - Профессионал таълим (5510100 – Даволашиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

- таълим тизимидағи ўкув жараёни, модул тизими, симуляцион ўкув жараёни, таълим соҳасига тааллукли стандартлар, дастурлар, интерфаол усуллар, инновацион технологиялар, хужжатлар, ўкувчи ва талабалар, ўкув жараёнида қўлланиладиган усул ва воситалар;
- соғлиқни сақлаш тизимидағи жараёнлар, ислоҳатлар, соғлиқни сақлаш тизимига тегишли қарор ва фармонлар, буйруклар, чора – тадбирлар, дастурлар, стандартлар, инновацион ғоя ва лойиҳалар, илмий-тадқиқот ишлари, илмий мақолалар, тезислар, меъёрий хужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;
- тиббиёт асбоб-ускуналари, симуляцион таълим технологиялари, симулятр работлар ва фантомлар, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси;
- жамият, аҳоли, оила, беморлар, тиббий ёрдамга муҳтож қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркаклар;
- инновацион ва илмий-тадқиқот жараёни.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият обьектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

#### **5111000- Профессионал таълим (5510100 – даволаш иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:**

- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим жасаёнини ташкил этиши ва мутахассисликка доир тиббий фанларни талаб даражасида ўқитши;
- соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида тиббий фаолиятни ташкил этиши;
- аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиши ва сглом турмуш тарзини тарғибот қилиши;
- аҳоли орасида кенг тарқалган ўткир ва сурункали касалликлар бўйича барча турдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқши ва тадбиқ этиши;
- юқумли касалликларни олдини олиши ва эпидемия, пандемия шароитида зарур бўлган чора – тадбирларни ишила чиқши ҳамда амалга ошириши;
- шошилинч ёрдам кўлами бўйича зарур назарий ва амалий билимларга эга бўлиши ҳамда амалиётда қўллаши;
- тиббиёт соҳасида долзарб бўлган касалликлар ҳамда муоммолар бўйича замонавий маълумот, билимларга эга бўлиши ва фаолияти давомида улар тўгрисидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориши ва қўллаш;
- аҳоли орасида кенг тарқалган касалликлар бўйича замонавий ташхислаш ва даволаши стандартларини мақсадга йўналтирилган ҳолда амалиётда қўллаши;
- диспансеризация ва реабилитация чоралари талаб қилинадиган ҳолатларда, уларни аҳолига зарур бўлган даражасида қўллаш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши ;

- ажолини ижтимоий мұхофаза қилишида унинг учун маъсул бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш;
- соглиқни сақлаши бирламчи тизимининг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиши ва уларни самарали бошқаришида иштрок этиши;
- тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муоммолар бўйича илмий-тадқиқот фаолияти ва инновацион лойиҳаларни талаб дараёвасида олиб боришида иштрок этиши.

### **1.2.3. 5111000- Профессионал таълим (5510100 – Даволаиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- урта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолият
- тиббий-профилактик;
- тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам;
- ташхислаш ва даволаш;
- реабилитация ва диспансер назорати;
- тиббий-ижтимоий;
- ташкилий- бошкарув;
- илмий-тадқиқот ва инновацион.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

### **1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида тиббиёт соҳасига оид маҳсус модулларни (фанларни) ўқитиши мумкин.

#### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5111000- Профессионал таълим (5510100 – Даволаиши)** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A510101 - Акушерлик ва гинекология;
- 5A510102 - Эндокринология;
- 5A510103 - Терапия (йўналишилар бўйича);
- 5A510104 - Оториноларингология;
- 5A510105 - Кардиология;
- 5A510106 - Офтальмология;
- 5A510107 - Юқумли касалликлар (йўналишилар бўйича);
- 5A510108 - Дерматовенерология;
- 5A510109 - Неврология;
- 5A510110 - Умумий онкология;
- 5A510111 - Психиатрия;
- 5A510112 - Хирургия (йўналишилар бўйича);
- 5A510113- Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишилар бўйича);
- 5A510114 - Нейрохирургия;
- 5A510115 - Соглиқни сақлашни бошқариши ва жамоат соглигини сақлаш (йўналишилар бўйича)
- 5A510116 - Тиббий психология;
- 5A510117 - Урология;

- 5A510118 - Морфология (йўналишлар бўйича);
- 5A510119 - Наркология;
- 5A510120 - Анестезиология ва реаниматология;
- 5A510121 - Травматология ва ортопедия;
- 5A510122 - Ошавий тиббиёт;
- 5A510123 - Суд тиббиёт экспертизаси;
- 5A510124 - Патологик анатомия;
- 5A510125 - Шошилинч тиббий ёрдам;
- 5A510126 - Фармакология
- 5A510127 - Спорт тиббиёти
- 5A510128 - Диетология
- 5A510129 - Нутрициология
- 5A510130 - Аллергология ва клиник иммунология магистратура мутахассисликлари ҳамда клиник ординатура бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишини давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## **2. 5111000- Профессионал таълим (5510100 – Даволаишиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- кенг дунёқарашга, замонавий ҳамда тизимли билимларга эга бўлиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва қўнікмаларига эга бўлиши лозим.
- гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи хуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишилаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши лозим.

### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишилашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. 5111000- Профессионал таълим (5510100 – Даволаш иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида:**

- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари (модуллар) бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўtkазиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўкув фанларини (модулларни) ўқитиш услубиётини эгаллаши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўtkazish;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўtkazish учун зарур бўлган ўкув-услубий хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўtkazish учун ўқитишнинг техник ва инновацион воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз устида ишлаш, малака ошириб бориш **қобилиятига эга бўлиши лозим.**

**Тиббий - профилактик фаолиятида:**

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;
- аҳоли орасида касалликлар ривожланишига сабаб бўлувчи хавф омилларни аниқлаш ва бартараф этиш;
- аҳоли тиббий нуфузини ошириш, рационал овқатланиш тамойиллари ҳамда заарарли одатлари бартараф этиш борасида зарур чора – тадбирларни амалга ошириш;
- соғлиқни сақлаш тизимида бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика чора-тадбирларини ишлаб чикиш;
- аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- тиббий-профилактика фаолиятида илгор, инновацион технологияларни жорий этиш **қобилияtlariga эга бўлиши лозим.**

**Тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам фаолиятида:**

- шошилинч ҳолатларни ўз вактида аниқлаш;
- касалхонагача бўлган тез ёрдам кўламини аниқлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш;
- кўрсатмага кўра зарур мутахассисларга ва касалхонага юбориш **қобилияtlariga эга бўлиши лозим.**

**Ташхислаш ва даволаш фаолиятида:**

- аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларни эрта ташхислаш;
- умумий амалиёт шифокори фаолиятида замонавий ташхислаш усувларидан фойдаланиш;
- кенг тарқалган касалликларни замонавий усувлардан фойдаланган ҳолда тўғри даволаш;
- беморларни кўрсатмага кўра тор мутахассислар билан биргаликда олиб бориш ва даволаш;
- ўз фаолиятида далилларга асосланган тиббиёт стандартларидан фойдаланиш **қобилияtlariga эга бўлиши лозим.**

**Реабилитация ва диспансер назорати фаолиятида:**

- касалликлар бўйича реабилитация чора тадбирларини ўtkazishga кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни, муддатларини тўғри аниқлаш;
- реабилитация чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;
- bemorlar ўrtasida reabilitacija ўtkazishda zamonaviy usullardan foydalaniш;
- кўрсатмага кўра ўз вактида диспансер назоратига олиш;

– диспансер назорати гурхларини тўғри аниқлаш ва босқичларини ўз вақтида амалга ошириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Тиббий-ижтимоий фаолиятида:**

– аҳоли ўргасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологияк нуғузни тиклаш ва ривожлантириш

– ижтимоий соҳа химоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий хизмат турларини ташкиллаштириш ва хизмат кўрсатиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинидаги даволаш-профилактика муассасаларида ишни ташкиллаштириш ва бошқариш;

– тиббиёт соҳасидаги бошқарувни ижтимоий-иктисодий ривожланиш тенденцияларига мос тарзда такомиллаштириш;

– аҳоли соғлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини режалаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисбот тайёрлаш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятида:**

– тиббиёт муассасаларида, илмий-тадқиқот институтлари ва илмий –амалий марказларда долзарб мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳакидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– илмий электрон базалар, юқори иқтибосликка эга илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот натижалари ҳамда ютуқларини ўрганиш;

– касбий фаолиятига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот ишлар, лойиҳаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

– тиббиёт массасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва илмий – амалий марказларда эксперементал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

– инновацион лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда иштрок этиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш, илмий мақола ва тезислар, лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**3. 5111000- Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модул дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**5111000- Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модуллар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий;

клиника олди модуллар;

клиник модуллар;

Касб фаолияти қўниқмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув модуллари билан бир қаторда талабалар танлаган модулларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модуллар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув модулларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ радиша якуний давлат атtestацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режага киритиладиган ихтиососликка оид модулларнинг амалий машғулотлари ва клиник ўқув (клиник) амалиёти тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар даволаш – профилактика муассасалари, ташкилотлар ва илмий - амалий марказларда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари мулкчилик шаклидан қатъий назар даволаш профилактика муассасалари, ташкилотлар ва илмий-амалий марказларда ўтказилади.

### **3.1. Ўқув режа модуллари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

#### **Гуманитар ва ижтимоий модуллар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тиббиёт ва фармацевтика олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий модуллар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

#### **Клиника олди модуллар блоки:**

клиника олди табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги, тиббиёт соҳасида фундаментал ва клиник фанларни ўзлаштириш учун анатомия фанининг аҳамияти, инсон танасининг, аъзо ва тизимларнинг анатомик тузилиши, организмнинг ўсиши, шакланиши, ривожланишининг асосий қонуниятларининг моҳияти, уларнинг ташки мухит билан муносабатини таъминлаётган тизимлар ҳамда уларнинг ёшга нисбатан ўзгариши, клиник анатомиянинг моҳияти, топографик анатомия асослари, оператив жарроҳлик ва топографик анатомия фаннинг клиник жарроҳликдаги аҳамияти, жарроҳлик амалиёти турлари, техникиси ва босқичлари, гистология, эмбриология, цитология фанининг назарий ва илмий асосларига таянган ҳолда ҳужайра, тўқималарнинг турлари, умумий тузилиши ва вазифалари, аъзоларнинг тараққиёт манбалари, шаклланиш муддатлари, умумий тузилиш асослари, вазифалари ва ёшга кўра бўладиган ўзгаришлари, одам эмбриологияси босқичлари, уларнинг хусусиятлари, аъзолар ривожланиши, тиббий биология қонуниятлари, тиббий генетика асослари ва назариялари, ташхислаш усуллари, тиббий кимёнинг долзарб тамойиллари, кимёвий реакциялар, тажрибалар, биокимёвий жараёнлар, моддалар алмашинуви уларнинг организмдаги ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқлиги, физиологиянинг мақсад ва вазифаси, физиологик жараёнлар, одам ҳаёт фаолияти жараёнида физиологик функцияларнинг бошқарилиши ва асосий қонуниятлари ҳақидаги назарий ҳамда илмий тасаввурларга эга бўлиш;

патология ва унинг қонуниятлари, патологик жараённинг ривожланиш механизmlари, патологик ҳолатларнинг ривожланиши, патологик анатомияни ўрганишда одам танасининг нормал тузилиши, ҳужайра тузилиши асослари, шунингдек турли жараёнларнинг биохимик ва физиологик кечиши, морфологик ўзгаришлар, турли касалликларда ички аъзолардаги ўзгаришларнинг морфофункционал моҳиятлари патологик физиологиянинг асослари, қонуниятлари, патологик жараёнлар ва ижтимоий-экологик омилларнинг аҳамияти, замонавий тиббий микробиология, вирусология ва иммунология асослари, унинг мақсад ва вазифалари, унинг умумий амалиёт врачи фаолиятидаги аҳамияти доирасида билим ва кўниkmаларни шакллантириш;

фармакология фанининг аҳамияти, аҳоли орасида кенг тарқалган юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни даволашда қўлланиладиган дори воситаларнинг таъсир механизmlари, фармакокинетика ва фармакодинамикаси, кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, ножӯя таъсирлари, лотин тили аҳамияти, тиббий терминалогия, тиббиётда кенг қўлланувчи атамалар ҳамда далилларга исботланган тиббиёт асосида тавсия қилиш усулларини билиш ва амалиётда қўллаш;

тиббиёт тарихи ва ривожланиш босқичлари, тиббиёт ривожланишида ўз хиссасини күшган муахассисларнинг роли ва ўрни, тиббиёт ривожланиш назариялари, жамоат саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш, тамойиллари, қўрсаткичлар, усуслар, жамоат саломатлиги ва согликни сақлашни бошқаришнинг аҳамияти, тиббий-санитария ёрдамни тўғри ташкил этиш асослари, инсонни инсонга, жамиятга, ташки мухитга бўлган муносабатини тартибга солувчи этик ва хуқуқий меъёрлар, жамият саломатлигини шакллантирувчи асосий қонуниятлар ва омиллар, ижтимоий шароитлар, турмуш тарзи, ташки мухит омилари, аҳоли саломатлини сақлаш бўйича маҳаллий бошқарув органлари ва умумий амалиёт шифокорининг асосий вазифалари, мажбурият ва хуқуқлари, тиббиёт тарихи ва валеологиянинг назарий ҳамда илмий асослари бўйича назарий билимларни шакллантириш;

гигиенага оид тушунчалар ва қоидалар, турлари, тиббий экологиянинг аҳамияти, атроф-мухит омилларини ижтимоий ва гигиеник нуктаи-назардан баҳолаш, атроф - муҳит билан одам организми ўртасидаги ўзаро боғликлиқ, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ижтимоий-гигиеник омиллар, касалликларнинг ривожланишида атроф-мухит омилларининг тутган ўрни, касалликлар ривожланишига сабаб бўлувчи хавф омиллар, кенг тарқалган ўткир ва сурункали касалликларнинг ҳамда юқумли касалликларнинг бирламчи, иккиласмачи ва учламчи профилактика тамойиллари, гигиеник ҳамда эпидемиологик талаблар ва чора – тадбирлар бўйича назарий ва илмий билимларни амалиётда қўллаш;

биофизика қонунлари, аспектлари, тушучалар, усуслари, ўзаро таъсирнинг физик ва физик-химик механизmlари, тирик организмда кузатилувчи физик ҳолатлар, физик тизимларни билиш ва амалиётда қўллаш; педагогика ва психология асослари, педагогик маҳорат, педагогик интерфаол усуслари, таълим тарбия жараёни, ўқитиш усуслари, психологик ёндошувлар, руҳий ҳолат, психологик усуслар асосида таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим.

### **Клиник модуллар блоки:**

Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, рационал овқатланиш тамойиллари, нутрициология асослари, овқатланиш тартиби, озиқ маҳсулотлари ва компонетлари, таркиби ва уларнинг ўзаро таъсири, касаллик ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда парҳез турлари, тиббиёт касбига кириш асослари, “шифокор ва бемор” тушунчалари, асосий ўрганиш обьекти бўлган биоэтика, биоэтика тадқиқот усуслари, этик меъёрлар, биоэтика тамойиллари, бемор ва шифокор ўртасидаги муносабат, шифокор деонтологияси, шахслараро мулоқат асослари ва моделлари бўйича тўлиқ билим ва кўнікмаларни шакллантириш;

ички касалликлар пропедевтикасининг тиббиёт соҳасидаги аҳамияти, беморларни сўраб-суриштириш, касаллик ва ҳаёт тарихи тушунчалари, обьектив кўрикдан ўтказиш тамойиллари, касалликларнинг асосий клиник симптом ва синдромларини аниқлаш, лаборатор ва асбоб - ускунавий текшириш режасини тузиш, натижалар тахлили, қиёсий ташхислаш, дастлабки ва якуний ташхис шакллантириш, тиббий хужжатларни тўлдириш тамойиллари, ички касалликларнинг тавсифи, этиологияси, патогенези, таснифи, клиник кечиши, асоратлари, ташхислаш ва даволаш усуслари, амбулатор-поликлиника шароитида беморларни олиб бориш тамойиллари, шифохонагача бўлган тиббий ёрдам қўлами, профилактика чора-тадбирлари, реабилитация тамойиллари, диспансер назорати гурухлари, босқичлари, оилавий тиббиёт асослари, оила билан ишлаш, мулокот, умумий амалиёт шифокори фаолиятида тавсия бериш, УАШ фаолиятида профилактика, согликка таъсир этувчи омиллар, аҳолининг турли қатламлари билан ишлаш (болалар, ўсмирлар, аёллар - фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, эркаклар, қариялар), ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги ишчиларини олиб бориш тамойиллари, ижтимоий химояланмаган одамларга тиббий-психологик ёндошув, УАШ фаолиятида беморлар, кийин бемор, ўлим тўшагидаги беморларни олиб бориш, меҳнат қобилияти экспертизасини ўтказиш, овқатланиш ва ортиқча

вазн муоммолари, алкоголизм ва гиёхванд моддаларни қабул қилиш иллатлари билан курашиш, саёҳатчилар учун тиббиёт тамойиллари, УАШ амалиётида таққослама ташхислашни ўтказиш, клиник генетика масалаларини билиш ва амалиётта тадбиқ этиш;

умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган ички касалликларни эрта ташхислаши, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш режасини тузиши, ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда bemорларга тиббий ёрдам кўрсатиши, гериатрия асосларини билиши ва амалда қўллай олиши, меҳнатга лаёқатлилик экспертизасини ўтказа олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилинч холатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни саклашнинг бирламчи тизимида тиббий хужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўнкимларни ривожлантириш;

педиатрия асослари, бутун жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти тавсиясига биноан турли ўшдаги болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланиш меъёрлари, болаларни ёши ва соғлигига боғлиқ овқатлантириш тамойиллари, соғлом авлодни тарбиялаш, шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари, профилактик эмлаш тақвими, болаларда учрайдиган асосий касалликларнинг сабаблари, уларнинг келиб чиқиш механизми, тарқалиши ва авж олишига ижтимоий, наслий, иклим ва экологик омилларнинг таъсири, болаларда учрайдиган касалликларнинг фармакотерапия асослари ва антибиотикотерапияси, тұғма ва орттирилган касалликлар профилактикаси, умумий амалиёт шифокори фаолиятида болаларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш режасини тузиши, болалар орасида кенг тарқалган касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда болаларга тиббий ёрдам кўрсатиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишга қаратилган чораларни кўра олиши, шошилинч холатларда тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни саклашнинг бирламчи тизимида болаларни олиб боришга оид тиббий хужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўнкимларни ривожлантириш ҳамда неонатология асосларини тўлиқ билиш ва амалда қўллай олишига шароит яратиш;

умумий жарроҳликнинг асосий масалалари, асептика, антисептика ҳамда трансфузиология асослари, жарроҳатлар ва жарроҳлик инфекциялари, жарроҳлик амалиётига bemорларни тайёрлаш ва амалиётдан сўнг парвариш қилиш чора-тадбирлари, жарроҳлик касалликлар ривожланишида экзоген ва эндоген омилларининг ахамияти, жарроҳлик касалликларининг кечиши, замонавий ташхислаш усуллари, жарроҳлик касалликларда самарали ва мақсадга мувофиқ даво чораларини ўтказиш ва асоратларни олдини олиш, нейражарроҳликнинг долзарб муоммолари, асаб тизими жарроҳлик касалликларининг кечиши, ташхислаш усуллари ва даволаш чоралари, болалар орасида кенг тарқалган тұғма ва орттирилган жарроҳлик касалликларини аниқлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, аnestезиология ва реанимациянинг асосий масалалари, ушбу соҳадаги тамойиллар ва қўлланиладиган усуллар бўйича барча билим ва кўнкимларни шакллантириш;

умумий амалиёт шифокори фаолиятида кўп учрайдиган жарроҳлик касалликлари билан оғриган bemорларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш тамойилларини билиши, жарроҳлик амалиётини талаб қилувчи сурункали жарроҳлик касалликларининг белгиларини эрта ва тўғри аниқлаши, бирламчи жарроҳлик ёрдамини кўрсатиш ва асоратланмаган жарроҳатлар ва куйган юзаларга ишлов бериш ва боғлам қўйишни билиши, жарроҳлик амалиётини тўғри танлаши ва асоратларни олдини олиши, соғлиқни саклаш бирламчи тизимида амалга оширилиши лозим бўлган жарроҳлик амалиёти бўйича кўнкимларни бажара олишга шароит яратадиган усуллар бўйича барча билим ва кўнкимларни шакллантириш;

акушерлик ва гинекологиянинг долзарб масалалари, аёл организмининг ўзига хос хусусиятлари ва кузатиладиган ўзгаришлар, репродуктив саломатлик, ҳомиладорлик ва тутрук

фаолиятини тұғри олиб бориши, экстрогенитал касаллуклар, гинекологик касаллукларнинг кечиши ва уларни даволаш усуллари, контрацепция, репродуктив саломатлик асослари ва оилани режалаштириш тамойиллари, соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида кенг тарқалган акушерлик ва гинекологик асосий клиник синдромларни билиши ва эрта ташхислаши, даволаш стандартларини құллай олиши, физиологик ҳомиладорлик билан аёлларни қишлоқ врачлик пункти ва оиласын поликлиника шароитида олиб бориши тамойилларини билиши, патологик ҳомиладорликни үз вактида аниқлаш, олиб бориши тактикасини ва құрсаатмага күра тор мутахассисга юбориши, туғруқ фаолиятини тұғри олиб бориши, гинекологик касаллукларни эрта аниқлаш ва тұғри олиб бориши, беспуштлик ва оилани режалаштириш бүйича зарур чора- адбирларни амалға оширишни шакллантириши;

клиник фармакологияның умумий масалалари, асосий гурух дори воситаларининг клиник-фармакологик характеристикаси, дори воситаларининг фармакодинамикаси ва фармакокинетикасининг турли касаллукларда үзгариши, ҳомиладор ва эмизиқли аёлларда, болалар ва кекса ёшдаги беморларда дори воситаларини құллаш хусусиятлари, бир қатор ички ва ташқи омилларни хисобға олған ҳолда препаратларнинг құлланилишига құрсаатма ва қарши құрсаатмаларни аниқлаш, дозалаш тартибини белгилаш, үтказилаёттан фармакотерапияның самарадорлығи ва ҳавфсизлигини назорат қилиш усуллари, препаратларнинг ножұя таъсирлари ва клиник токсикология, дори воситаларини рационал комбинациялаш, ҳамда, клиник рецептура бүйича билимларни чукур үрганиш ва құллашга ассоциациялаш; кенг тарқалған қон касаллукларининг ва нур касаллигининг асосий клиник ва гематологик мезонларини аниқлаш ва даволаш чораларини құриш, тери таносил касаллуклари, аниқлаш усуллари ва олиб бориши тактикаси, орттирилған иммун танқислик синдромининг тарқалиши, үзига хос кечиши ҳамда олдини олиш чора тадбирларини мұккаммал билишга йұналтириши ва таъминлаши; клиник лаборатор ташхислаш усуллари ва замонавий ёндошувлар, умумий амалиёт шифокори фаолиятида клиник лаборатор усулларни тавсия қилиш ва натижаларни таҳлил қилиш; эндокринологик касаллукларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, тарқалиши, кечиши, замонавий текширувлар ва даволаш асослари, умумий амалиёт шифокори тактикасини белгилаш;

кенг тарқалған асаб касаллукларининг үзига хос кечиши, неврологик беморларда топик, нозологик, қиёсий ва синдромология ташхис қўйиш, асаб касаллукларида замонавий функционал ва нейровизуализацион текшириш усулларини ва даволаш принципларини құллаш, нейроЖарроҳлик амалиёти, жарроҳлик амалиётига құрсаатма ва қарши құрсаатмалар, даволаш усуллари ва реабилитация чораларини мақсадли құллаш;

рухий статусни баҳолаш тамойиллари, психиатрия, наркология ва тиббий психологияның долзарб муоммолари, психофармакотерапия, психотерапияның, психопрофилактика ва психогигиенанинг асосий тамойиллари, психосоматик бузилишлар, наслий касаллукларнинг келиб чиқишида генетик омилларнинг үрни, касаллукларнинг тарқалиши ва олдини олиш усуллари, диспансер назорати ва тиббий ҳужжатларни тұғри юритиши;

реабилитология асослари, реабилитация усуллари, құрсаатма ва қарши құрсаатмалар, ҳалқ тиббиёти, шифокор назорати, даволовчи жисмоний тарбия ва физиотерапия усуллари, спорт тиббиётининг үзига хос хусусиятлари, спорт турларига боғлиқ шикастланишлар, патологик холатлар билан беморларни олб бориши бүйича назарий ва амалий билимларни юқори даражада шакллантириши;

соғлиқни сақлаш тизимида суд-тиббий экспертиза фаолиятининг ташкилий, процессуал жиҳатлари, қонунчилек асослари, суд-тиббий экспертизага молик ҳолатлар, врч фаолиятининг ҳукуқий асослари бүйича назарий билимларга эга бўлиш ва мұккаммаллаштиришни таъминлаши;

пульмонология ва фтизиатрия асослари ва муоммолари, аҳоли орасида нисбатан кенг тарқалған нафас йўллари касаллукларини олдини олиш, эрта аниқлаш, даволаш тамойиллари, инфекцион назорат, туберкулез бүйича эпидемиологик вазият ва туберкулезга

карши дори восталарининг қўлланиши, туберкулез касаллигининг олдини олиш чоратадбирларни амалга ошириш, эпидемия ва пандемияга қарши чора – тадбирлар режасини тузиш ва аҳолини ахборот билан таъминлаш, касб касалликларининг назарий асослари, касб касалликлари билан беморларни олиб бориш тамойиллари, аллергик касалликларининг ва иммун тизимининг ёшга кўра хусусиятлари ва шошилинч аллергик ҳолатларда тез тиббий ёрдам асослари, юқумли касалликларни тарқалиш қонуниятлари, юқумли касалликлар билан беморларни қишлоқ врачлик пункти ва оиласирий поликлиника шароитида олиб бориш тамойилларига риоя қилиш;

эпидемиология кўрсаткичлари, тиббиёт муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича эпидемиологик ёндошишнинг хусусиятлари, аҳоли ўртасида юқумли касалликларининг келиб чиқиши ва тарқалишининг умумий қонуниятлари, асосий қонуншунослик актлари, эпидемик жараёнининг ривожланиш механизми, шароит ва сабаблари, профилактик ва эпидемия, пандемияга қарши чора тадбирларининг тизими ва таркиби бўйича зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун асос яратиш;

онкология ва болалар онкологиясининг ривожланиши, ўсма ва ўсма олди касалликларининг тарқалиши, кечиши хусусиятлари, ўз вақтида аниқлаш тамойиллари, беморларни тўғри олиб бориш, парвариш қилиш ва руҳий ёндошувга аҳамият бериш, даволаш усусларини тўғри танлаш бўйича назарий ва амалий билимларни ривожлантириши;

тиббий радиологияда ташхислашнинг умумий тамойиллари, нурланишининг биологик таъсиrlари, тиббий информатика элементлари, нур ташхиси усуслари ва воситалари, рентгенологик усуслар, радионуклид усуслар, организмнинг асосий анатомик структураларини рентгенограмма, ангиограмма, компьютер, магнит-резонанс томограмма, сонограмма ва сцинтиграммаларда ҳамда бошқа замонавий текшириш усусларида аниқлаш, нур терапияси тамойиллари, клиник-дозиметрик режалаштириш, технологик таъминот, ҳавфли ўсмалар нур терапияси ва терапиядан аввалги ва кейинги даврда беморларни олиб бориш бўйича назарий ва амалий билимларни талаб даражасида шакллантириши;

оториноларингология, офтальмология, стоматологиянинг долзарб муоммолари, замонавий ташхислаш усуслари ва мақсадга йўналтирилган даволаш чораларини қўллаш, урологик касалликларининг тарқалиши, турли ёшга, жинсга ва ижтимоий-профессионал гурухларга мансуб шахсларда урологик касалликларининг, травматология ва ортопедия ҳамда болалар травматологиясида кузатиладиган ҳолатлар ва уларни олдини олиш тамойиллари, касалликларининг ўзига хос кечиши, ташхислаш ва замонавий даволаш усуслари, болалар ортопедияси муоммолари, касалликларининг ўзига хос кечиши, касалликларни самарали даволаш, реабилитация ва профилактика тадбирларини амалга ошириш;

тез тиббий ёрдам тушунчалари, ҳаётга ҳавф солувчи ҳолатларни ўз вакида аниқлаш, шошилинч ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатиш алгоритми, тез тиббий ёрдам кўламини аниқлаш ва зарур бўлган тиббий муолажаларни амалда бажариш, кўрсатмага кўра мутахассислар ва касалхонага йўлланма бериш;

ҳарбий тиббий тайёргарликка бўлган талаблар, ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги тамойиллари ва фуқоро муҳофазаси усуслари, ҳарбий дала жарроҳлиги, ҳалокатлар тиббиётининг назарий асослари, фавқулотда вазиятлар, ҳалокатлар тиббиёти хизмати, фавқулотда вазиятлар вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш усуслари, ҳарбий эпидемиология ва гигиена ҳакида тасаввурга эга бўлиш ва амалда қўллашни шакллантириш орқали таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳакида тасаввур ҳосил қилиши ҳамда эгалланган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш;

таълим жараёни, касбий педагогика, касбий психология, таълимда ахборот технологиялари, таълим технологиялари, касбий таълим методикаси асослари, тамойиллари, ўқитиши усуслари, касбий психология фанининг аҳамияти ва моҳияти, касбий психологиянинг илмий-тадқиқот услублари, касбий психологияга оид олиб бориладиган маслаҳат турлари, касбий саралаш ва касб танлашга йўналтиришнинг психологик ёндошув, касбий таълимнинг ривожланиши, Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги

қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», таълим жараёнининг узлуксизлиги ва давомийлиги, касбий таълимнинг информацион-техник асослари, замонавий информацион таълим технологиялари, таълим технологияси фани моҳияти ва ҳар томонлама етук шахс тарбиялашда таълим технологияларнинг мақсади, мазмуни, усуллари, касбий таълим методикаси фани мазмуни, мақсади, вазифалари, ўқув режалари, дастурлари, кредит - модул тизими, маҳсус фанларни ўқитиш услубларини қўллай олишига замин яратадиги лозим.

### **Электив модуллар:**

Таълим йўналиши бўйича ҳудудий компонентларни, фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан электив модулларнинг маркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгашини томонидан белгиланади.

**5111000- Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши)** бакалавриат таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Модуллар дастурларини ишлаб чиқишида кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.

### **3.2. 5111000- Профессионал таълим (5510100 – Даволаи иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ва кредитлар сони**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

1 кредит 30-36 соатга teng.

Ўқишнинг меъёрий муддати олти йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 308 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қўйидагича тақсимланади:

Назарий таълим	- 63-70 %
Аттестация	- 8-10 %
Таътил	- 12-16 %
Малака амалиёти	- 6-12 %

Назарий таълим ҳажми “Соглиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот” билим соҳасига мувофиқ модуллар блоклари бўйича қўйидагича тақсимланади:

Гуманитар ва ижтимоий модуллар блоки	- 3-3,5 %
Клиника олди модуллар блоки	- 20-25 %
Клиник модуллар блоки	- 60-65 %
Электив модуллар блоки	- 3- 6,5 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 7 - 9 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модул, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалаврнинг асосий таълим дастури (бакалавр дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, тиббий билим, тиббий йўналишлар, соғлиқни сақлаш тизими, клиника, лаборатория, амалий кўникмалар, касаллик, даволаш муассасалари, профилактика, даволаш усувлари, диагностика, этиология, патогенез, морфология, гистология, рентгенология, профилактика, терапия.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг

Тиббий таълимни ривожлантириш маркази

Директор Н.Р. Янгиева

2020 йил « 01 » 02

М.ў.

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари

Ректорлар раёсати раиси

Ректор профессор Б.Т.Даминов

2020 йил « 10 » 04

М.ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазири

ўрденбосарн У.Ю.Сабиров

« 08 » 09

М.ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги

Фан ва таълим боз бошқармаси бошлиғи

Ў.С. Исмаилов

2020 йил « 25 » 08

М.ў.

Соғликни саклаш вазирлиги олий ва ўрта маҳсус

таълимни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

Г.Юсупалиева

2020 йил « 25 » 08

М.ў.